




Ака-ука Барбароссалар

«Испанлар ва португалларга карши Исломий жиход ака-ука Хайриддин ва Уруж Барбароссалар келишгунча жуда бебош кечган эди. Иккаласи Жазоирдаги Исломий кучларни бир бутун килиб йигиб, ягона мақсад - Шимолий Африка бандаргохларию шаҳарларида кенг тарқалган Ислом душманларини даф қилишга йўналтиришга муваффақ бўлди».

Атокли Ислом тарихшуноси Али Саллабий

Тарихимизнинг эътибордан четда қолган минглаб саҳифаларини варақлаб, мазкур асар устида қанчалик кўп ишлар эканман, ўзимиз учун мажхул қолган ўтмишимизни Ислом уммати душманлари жуда яхши билишига шунчалик қатъий ишонч ҳосил қилиб бордим. Тарихимизни пухта ўрганиб олган динимиз душманлари бизга тузук қўйиб чиққан, биз эса ўлжадай ўша тузукларга илиниб бораверганмиз. Оқибатда, ўз тарихимиз ва асл қаҳрамонларимизни унутиб, табиийки, жаҳолат ва қолоқлик қанчалик қолганмиз. Агар сиз ушбу ҳулосани фитна назариясига муккасидан кетган ёзувчининг фантазиясига

ўхшатган бўлсангиз, Голливуд кино марказида тасвирга туширилган карокчилар хакидаги фильмларни томоша киладиган хар кандай кишидан кинофильмлар, бадий асарлар ва хатто болалар учун мўлжалланган мультфильмларда учрайдиган машхур карокчининг исмини сўранг. Ва ўша киши узок ўйланиб ўтирмай, малла соколли, бир кўзидан айрилган, бир кўли чопилган, Барбаросса исмли ёгоч оёкли карокчи «Кариб денгизи карок-чилари» фильмининг бош кахрамонларидан бири эканини айтади. Биздан сир тутишга ҳаракат килинаётган ҳақиқат эса шундан иборатки, кўркинчли келбатда тасвирланаётган Барбаросса аслида ор-номусли, яхши хислатларга тўлиб-тошган, етакчилик сифатлари ривожланган кучли шахс, бани башар тарихида кам учрайдиган кахрамонлардан биридир. У бизга кўрсатилаётгандай конга ташна карокчи эмас, аксинча, Ислом умматининг Аллох йўлида курашган буюк зотларидан бири, минглаб бегунохларнинг ҳаётини асраб колган денгиз саркардаси бўлган.

Ака-ука Барбароссалар хакидаги ривоятлар «тарихга тажовуз» назариясининг маъносини тушунтириш давомида тилга олиб ўтилган ҳолатларни тасдиқлайди. Бундай назария усулларида бири тарихда уммат кахрамонларининг исмларини мутлако тилга олмай, хотирамиздан батамом ўчириб ташлашдир. Бирок ушбу назариянинг яна бир жирканч, ифлос усули борки, унда Ислом уммати кахрамонлари халқаро жинойтчилар ва акли ноқис уламоларга айлантирилади. Бундай усулдан кўзланган мақсад сизу бизни эргашиш учун танлаш мумкин бўлган кахрамонларимиздан махрум қилиш, орамизда Ислом уммати фақат жинойтчилару акли ноқисларни, нари борса Синдбад, Олоуддин ва ўзига тегишли бўлмаган мулкка эга чиқиб олган Али Боболарнигина тарбиялаши мумкин деган фикр қарор топишига эришишдир.

Бугунги ҳикоямиз ўзи мусулмон, асли насаби албан бўлмиш денгиз саркардасининг шуҳрати Урта денгиз соҳилида тарқалган даврдан бошланади. Исро ва Меърож (Исро ва Меърож (араб.) - Аҳли сунна вал жамоа ақийдасининг муҳим қисми. Пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг меърожларига - уйғок-лиқларида жасадлари билан осмонга ва ундан Аллох таоло хоҳдаган жойга чиққанларига ишонишдир. Меърож хижратдан бир ярим йил аввал, ражаб ойининг 27-кечаси, жума куни содир бўлган. Исро Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Меърож кечасида Маккаи мукаррамадан Байтул Макдисга борганидир.) кечасида тугилган чакалокка отаси Уруж дея исм берган. Ушбу денгиз саркардасининг шуҳрат қозонишига Тунис соҳилидан Андалусия томон денгиз сафарига чиқиб, маҳаллий аҳолини испан инквизициясидан ҳалос қилгани сабаб бўлди. Европа шаҳарларининг аҳолиси орасида албан миллатига мансуб бўлиб, денгизда дахшатли шарпадай сузадиган, ҳеч қим уддалай олмаётган мусулмон денгизчи томонидан намоён этилган кўпдан-кўп жасоратлар хакидаги миш-миш гаплар огиздан-огизга ўтиб тарқади. Инквизиция қийноқларидан ҳалос бўлган андалусияликлар эса ниҳоятда ҳурмат қилишганидан унга Уруж Ота дея ном бериб, шу тарзда ўз миннатдорлиқларини ифода қилишди.

Италянлар Уруж Отага «малла сокол киши» маъносини англатадиган Барбаросса деган ном беришди. Голливуд фильмларининг бош кахрамонларидан бири бўлмиш ўша карокчи малла сокол бўлишининг сабаби ҳам шунда бўлса, ажаб эмас. Урта денгиздаги сафари давомида Уружга ҳамиша Хизир исмли ақаси ҳамроҳлик қилган. Хизир эса тарихда Хайриддин Барбаросса номи ила танилган. Родос ороли яқинида иоанчиларнинг (Иоанчилар - «Авлиё Иоан ордени» аъзолари.) қўлига асир тушиб колган Уруж тутқунликдан озод бўлиб, яна ақасига қўшилиб олишга муваффақ бўлади. Иккаласи Урта денгизда флотилия тузиб, Шимолий Африка шаҳарларида ёвузлик

килаётган салиб юришчиларининг кемаларига хамла килишади. Шундан сўнг, Андалусияда яшайдиган мусулмонлар билан яхудийларни католиклар инквизициясидан халос килиш мақсадида Испания киргоги томон йўл олишади. Ака-ука Барбароссалар якин келаётганини эшитибок салиб юришчилари дахшатдан калтираб қолишган. Денгиз жангларида ака-укалар намоён этган жасорат намуналари ҳақидаги хабар султон Салим Биринчига ҳам етиб борди. Халифа иккаласига хайрихоҳлик билдириб, амалда қўллаб-қувватлади. Бирок Шимолий Африкадаги ҳукмронлардан бири душманга сотилиб, Жазоирдаги Уруж яшайдиган Тлемсен шахрини камал килишда босқинчиларга ёрдам берди. Довюрак денгиз саркардаси Уруж ҳамда унинг турклар ва жазоирликлардан иборат қўшини душманнинг таслим бўлиш таклифини рад этди. Улар Аллохнинг даргоҳига қочаётган ҳолатда эмас, олга интилганча боришни афзал топишди. Мукаддам ўтган Аллох йўлидаги жанглардан бирида бир қўлидан айрилган Уруж бир қўллаб газабла жанг килди. Денгиз саркардаси Уружнинг шахсан ўзи билан жанг килишаётганидан хабар топган испанлар уни қўлдан чиқариб юбормаслик учун ўз бўлинмаларига мадад йўллашди. Душманнинг бутун бошли бўлинмаси уни ўраб олиб, киличлари билан роса чопишди, беҳол йиқилганидан сўнггина Урушга якин боришга журъат этиб, танасини бурдалашди. Ислом уммати қаҳрамони Уруж Барбаросса қўрқоклар қўлидан қочаётган ҳолатда эмас, олга интилганча ўлим топди. Ваҳший салиб юришчилари ушбу мужоҳидни шунчаки ўлдириш билангина чекланишмади. Унинг бошини кесиб олиб Европа шаҳарлари бўйлаб қўтариб юришди. Европа қиролларига тинчлик бермаган, уларнинг тунги дахшатига айланиб қолган Уружнинг боши черков қўнғироклари тантанали жаранглатилганча қарши олинди. Қаҳрамон Уруж ҳалок бўлди... ўз саркардасини йўқотган денгизчи мусулмонларчи, таслим бўлишдими?

Ёдингизда бўлсинким, Ислом байроғини ким қўтариб бораётгани эмас, Ислом байроғи ҳамиша баланд қўтарилгани муҳим. Ислом умматининг бир қаҳрамони боқий дунёга рихлат килса, унинг ўрнини ушбу уммат тарбиялаб ўстирган бошқа қаҳрамон эгаллайди. Уруж розияллоху анхунинг ақаси, денгиз саркардаси Хайриддин Барбаросса уқаси бошлаган жиход йўлини давом этишга астойдил бел боғлади.

Хайриддин Барбаросса ўз кемаларини Тунисга йўллаб, ушбу юртни салиб юришчиларига уларнинг ҳоин ҳукмдорлар орасидан чиққан малайларидан тозалади, бандаргоҳларда турган испан кемаларини йўқ килди. Шундан сўнг Усмонийлар халифалигининг қўшинлари билан бирга Жазоирни озод килди. Бу билан чекланмай, Балеар оролларини, у ердаги испан флотини йўқ килган тарзда эгаллади. Ислом динига эътиқод қиладиган ушбу денгиз саркардасининг кетма-кет эришган ғалабаларидан хабар топган Рим Папаси Павел Уч католик Европа бўйича умумий сафарбарлик эълон қилиб, христианларнинг қуйидаги иттифоқини шакллантирди:

- Испания қироллиги;
- Венеция Республикаси;
- Генуя Республикаси;
- Папа давлатининг ҳарбий кемалари;
- «Авлиё Иоан ордени».

Натижада ўша даврнинг энг йирик ҳарбий-денгиз флоти вужудга келиб, таркибига 600 та кема ва уларнинг бортларига жойлашган олти миш минг жангчи кирди. Европанинг афсонавий денгиз саркардаси Андреа Дориа ушбу иттифок флотига қўмондон этиб тайинланди. Мусулмонларни Урта денгиздан батамом қувиб солиш - ушбу саркарда

кўзлаган бош мақсад бўлди. Мусулмонлар халифаси боскинчиларга қарши Хайриддин Барбаросса кўмондонлиги остидаги 122 та кема ва уларнинг бортидаги 22 минг мужоҳидни йўллади. Иккала флот хижрий 945 йили жумодул аввалнинг 4 санасида, яъни милодий 1538 йил 28 сентябрь куни Превеза шаҳри яқинидаги хавзада рўбару келди. Ушбу санани, яъни Ислом тарихидаги энг йирик денгиз муҳорабаси - Превеза жанги санасини эслаб қолинг.

Салиб юришчилари сон жихатдан анча устун келаётганига қарамай, Хайриддин Барбаросса талафотнинг олдини олиш мақсадида душманга қарата бир неча марта дафъатан зарба бериб, ганим кемаларини қуршаб олишга муваффақ бўлди. Рақиб орасида дахшатли ваҳима кўтарилиб, душман кемалари ҳар томон ёйилиб кетди. Афсонавий кўмондон Андреа Дориа деганлари эса жанг майдонини кўрқокларча ташлаб қочди. Шу тариқа, беш соатга ҳам бормаган жанг ўтиб Хайриддин Барбаросса христианларнинг йирик иттифоқини янчиб ташлаб, Усманийлар халифалигига улкан зафар келтирди.

Мусулмонларнинг бундай шавкатли ғалабасидан сўнг, жамики христиан давлатларида дахшат ва кўркув муҳити қарор топди. Исломиёй денгиз сарқардаси Хайриддин Барбароссанинг ғалабаси ҳақидаги ҳабар Ислом оламида ҳам тез тарқалиб Макка, Мадина, Қуддус, Бом-бей, Дамашк, Қоҳира, Самарқанд қаби қўплаб Исломиёй шаҳарларнинг минораларида «Аллоҳу ақбар» тақбири янгради.

Денгиз сарқардаси Хайриддин Барбаросса Ислом шарафи учун қозонган ушбу ғалабалари билангина чеқланиб қолмади. Халифа Сулаймон Қанунийнинг амрини бажо айлар экан, Андалусиядаги мусулмонлар билан яҳудийларни инквизиция қийноқларидан ҳалос этиш учун Исломиёй флотнинг бир нечта денгиз сафарларини амалга оширди. Андалусиялик қочқинлар, аёллар, қария ва болаларни қутқариб, Ўрта денгизни кезиб юрди. Миннатдор Андалусия халқи унинг Хизир исми ўрнига Хайриддин дея ном қўйиб олишди. 1541 йили Гренада аҳолиси халифа Сулаймон Қанунийнинг номига қуйидаги мазмунда нома йўллашди:

«Ёнгинамизда олиёжаноб вазир, Аллоҳ йўлидаги мужоҳид, динимиз ёрдамчиси, Исломнинг қофирлар ўзра қўтарилган қиличи Хайриддин бор эди. У бизнинг аҳволимиз ва бошимизга тушган қулфатлардан ҳабар топди... Биз ёрдам сўраб, уни қаҳирдик ва у келди. Қўпдан-қўп мусулмонларни қофирлар зулмидан ҳалос этиб, барини султоннинг ҳимояси остидаги тинчлик ҳукм сурган ерларга элиб қўйди».

Қўрдинғизми, эътиборимиздан четда қолган қаҳрамонларимиз мана шундай бўлишган. Энди эса Аллоҳнинг амри ила улар ҳеч қачон унутилмайди. Умматимиз душманлари биз учун ёзиб берган нарсаларни ўқиб ўтирадиган даврлар ўтди кетди. Энди биз умматимизнинг асл тарихини тиклаймиз. Тарихимизга тажовуз қилаётганларнинг шу қунгача денгиз қароқчиси ҳисобланган Барбаросса исми олдидаги кўркуви энди мени ажаблантирмайди. Зеро, ўз замонида дин душманларининг машҳур денгиз сарқардаларини ушбу Ислом уммати қаҳрамонининг шунчаки тилга олиб ўтилган исмининг ўзи дахшатга солар эди.

Ўша қундан бўён Исломиёй флотнинг Ўрта денгиздаги бандаргоҳи Жазоир бўлиб, Хайриддин Барбаросса ушбу юртнинг ҳукмдори бўлди. Унинг бошчилигида Усманийлар халифалигининг Исломиёй ҳарбий-денгиз флоти барча денгиз ва океанларда ҳукм сурган энг қудратли ҳарбий-денгиз қучларига айланди. Сиз Буюк Британия, Франция, Голландия, Дания, Сицилия, Сардиния қаби йирик давлатлар Жазоирда жойлашган усмонийлар флоти томонидан тўла-тўқис назорат остига олинган Ўрта денгиздаги

кемаларининг хавфсизлигини кафолатлаб, химоя килгани учун Исломий халифаликка ўлпон тўлаганини билишингизнинг ўзи кифоядир.

Ушбу ҳолат билан Жазоирнинг босиб олиниши ўртасида қандай боғлиқлик бор? Ва нима учун Жазоир босқинчилар томонидан Янги даврда «мустанлака қилиб олинган» биринчи араб ўлкаси бўлди? Нима учун айнан Жазоир? Дунёнинг эркинлик учун курашувчиларининг тимсолига айланган жазоирлик етакчи ким экан ўзи?

Ат-Туробийнинг

"Ислом умматининг 100 буюк шахси" китобидан